

Истиффорнинг фойдаси



09:00 / 08.10.2020 5927

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал сафарлардан бирида қоронғи тушгач, бир қишлоқда тўхтадилар. Тунаш учун масжиддан бошқа жой топа олмагач, у ерга кириб, энди ётмоқчи бўлган эдилар, ўша атрофда айланиб юрган бир соқчи у кишини кўриб қолиб, масжиддан чиқариб юбормоқчи бўлди. Имом Аҳмад соқчига ҳар қанча тушунтирсалар ҳам фойдаси бўлмади. Охири Имом Аҳмад соқчига: “Ҳеч бўлмаса масжиднинг остонасида ётай!” дедилар. Лекин соқчи барибир масжидда қолишга рухсат бермади.

Имом Аҳмад жуда виқорли киши эдилар. У кишини кўрган одамни ҳайбатлари босарди. Ўша маҳаллада нон сотиб юрадиган бир нонвой узоқдан у зотни кўриб қолди. Қараса, бояги соқчи имомни масжиддан судраб олиб чиқяпти. У дарҳол бориб, имомдан ўз уйида тунашни илтимос қилди. Имом Аҳмад рози бўлдилар, нонвой у кишини чиройли иззат-икром билан меҳмон қилди.

Кейин нонвой хамир қора бошлади. У ҳар гал хамирни муштлаётганда истиффор айтар, нонни зувала қилишда ҳам, уни тандирга ёпишда ва ундан узиб олишда ҳам истиффорни тўхтатмас экан. Орадан анча вақт ўтгач, бу ҳолни кузатиб ўтирган имом Аҳмад нонвойдан бунчалик кўп истиффор айтишининг сабабини сўрадилар. Нонвой ҳар бир ишда истиффор айтишга одатланиб қолганини айтди. “Истиффорнинг фойдасини кўрдингми?” деб сўрадилар. Нонвой: “Ҳа, Аллоҳга қасамки, нима деб дуо қилсам, барчаси ижобат бўлди. Фақат биргина дуоим ижобат бўлмади”,

деб жавоб берди. “Нима экан ўша дуоинг”, деб сўрабдилар имом. “Имом Аҳмад ибн Ҳанбални кўриш”, деб жавоб берди нонвой. Шунда имом Аҳмад: “Мен Аҳмад ибн Ҳанбалман. Демак, Аллоҳ таоло сени дуоингни ижобат қилиши, орзуингни рўёбга чиқариши учун соқчи мени масжиддан судраб чиқарган экан-да!” дедилар.

“Солиҳлар гулшани” китобидан